



Нафъинг агар
халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ
ўзунгга кўпракдурур.

Алишер НАВОИЙ

АЛИШЕР НАВОИЙ ФЕНОМЕНИ — ЖАҲОН АҲЛИ НИГОҲИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, Шарқ Уйғониш даврининг ёрқин намоёнчаси Мир Алишер Навоийнинг порлоқ номи ва бебаҳо мероси халқимиз тарихида, миллий маънавиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига ғоят муҳим ўрин тутди. Улуғ аждодимиз ўзининг ўлмас асарларида она тилимизнинг сўз бойлиги ва ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намойиш этиб, ўзбек адабий тилига асос солди. Аини пайтда, ўзбек мумтоз адабиётининг шаклланиши ва такомиллида ҳеч ким Навоийдек беқиёс хизмат қилган эмас, десак, аини ҳақиқатдир.


Алишер Навоий умумбашарий маданият ривожига улкан ҳисса қўшган Гомер ва Данте, Сервантес ва Шекспир, Гёте ва Толстой, Низомий Ганжавий ва Ҳофиз Шерозий каби жаҳон адабиётининг даҳолари сафида туради. Ғарб оламида Тристан ва Изольда, Ромео ва Жульетта сингари қахрамонлар қанчалик машҳур ва жозибали бўлса, Шарқ дунёсида ҳазрат Навоий яратган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун каби адабий персонажлар ҳам шу қадар сеvimли ва қадрлидир.

Алишер Навоийнинг асосий феномени — у буюк инсонпарвар ва юксак идеал соҳибидир. Шоир ҳаёт ва адабиётдаги асосий орзуси — комил инсон ғоясини тараннум этиш ва уни бутун дунёга тарғиб қилиш борасида улкан маънавий жасорат кўрсатгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Асарлар давомида шоир асарларидан баҳраманд бўлиб келаётган минглаб инсонлар, улар қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, жаҳоннинг қайси мамлакатига яшамасин, ўз замонасининг барча ижтимоий-маънавий муаммоларига, ўзларини қийнаётган саволларга жавоб топа оладилар. Чунки бирон-бир ҳаётий масала, қадрият ва туйғулар, фазилат ва иллатлар йўқки, Навоий қаламга олмаган бўлса!

Буюк аждодимизнинг ўлмас мероси биз учун, айниқса, бугунги мураккаб глобаллашув даврида ҳар қачонгидан ҳам долзарб ва зарурдир. Бу бебаҳо хазина тинч ва барқарор, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш йўлида башариятга катта маънавий куч бахш этади.

Улуғ гуманист Алишер Навоий ҳамisha халқнинг дарду ташвиши билан яшагани, умр бўйи ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларга меҳр-муруват кўрсатиб, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилгани бу мумтоз сиймонинг яна бир ибратли фазилатидир. Унинг мамлакат пойтахти Ҳирот шаҳрининг ўзида ўз маблаглари ҳисобига уч юз саксондан ортиқ ижтимоий муассаса —



мадраса ва масжидлар, шифохона ва кутубхоналар, ҳовуз ва ариқлар, йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо эттиргани, адиб ва олимлар, rassom ва меъморлар, созанда ва хонандалар, моҳир ҳунармандларни доимо моддий ва маънавий томондан қўллаб-қувватлаб келгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Шуҳрат Сирожиддиновнинг ўқувчиларга тақдим этилаётган янги асари — “Алишер Навоий феномени” номли китоби буюк шоир ижоди намуналари ҳамда илмий асосланган тарихий маълумотлар билан жаҳон афкор оммаси, хусусан, халқаро илмий, маданий-маърифий марказларини яқиндан таништириш мақсадида тайёрланган. Ушбу мухташам китоб дунё аҳли томонидан Навоий даҳосига қизиқиш ўз давридан то бугунги кунга қадар сўнмай келаётгани ва тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Шоирлар сарвари, мутафаккирлар пешвоси, буюк қалб соҳиби Мир Алишер Навоийнинг барҳаёт мероси, умрбоқий асарлари ер юзидagi янги-янги авлодларни тарбиялаб, олам аҳлини доимо яхшилик ва эзгуликка, меҳр-оқибат, дўстлик ва ҳамжиҳатликка чорлаб туради.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУГУННИНГ СУҲБАТИ



“УМИДИМ БУЛДУРКИМ, УМИДИНГГА ЕТFAЙСЕН!”

ТАҲРИРИЯТДАН: Дарҳақиқат, Германияда “Алишер Навоий феномени” деб номланган мухташам асарнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сўзбошиси билан чоп этилиши юртимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Зотан, буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг инсонпарварлик ғоялари, бадиий-фалсафий қарашлари, ўлмас шеърий асарлари билан башари тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган малик ул-қалом ва мутафаккир сифатида дунё аҳлини тобора кенгроқ ўзига жалб қилмоқда. Чунки бугун унинг умумбашарий гуманистик ғоялар тараннум этилган бебаҳо адабий меросининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим саналади.

Шарқ адабиётининг деярли барча жанрларида


ижод этган, жами шеърий сатрлари юз мингдан ортиқ бўлган бундай сўз санъаткори жаҳон адабиётида саноқли десак, асло муболага бўлмайди. Мана, қарийб олти асрки, Навоийнинг маънавий хазинасида баҳра олиб, кўнглимиз ва руҳиятимизни тарбия қилмоқда чоғланамиз. Бу улуғ йўлда не-не олимлар қанчадан-қанча йилларни, кўз нури, қалб кўрини бағишламади дейсиз. Лекин ҳамон бу уммон тубидаги дуру жаваҳирларга тўлиқ эғалик даъвосини қилолмаймиз. Шундай машаққатли ва шарафли йўлда излашлар олиб бораётган таниқли навоийшунос, “Алишер Навоий феномени” асари муаллифи, академик Шуҳрат Сирожиддинов билан аини шу битмас-туганмас маҳзан борасида суҳбатлашдик.

(Давоми 3-саҳифада.)

ШУ СОНДА:

“РАҚАМИЙ ИНҚИЛОБ” ДАН “ЯШИЛ ИНҚИЛОБ” САРИ

ёки технократлашувнинг “малҳами” қандай бўлади?



ОНАЖОНИМ - ТАБИАТ

Ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маконнинг ободлиги ва мусоффолигига кундалик вазифа сифатида эътибор қаратиш — давр талабига айлана бораётган. Лоқайдлик, боқибеғамлик авж олган жойда табиатнинг кескин қасосига дуч келиш мумкин. Шу боисдан ҳам атроф-муҳит мувозанатини сақлашга ҳар биримиз масъулмиз.

ШАМОЛДАН ҚУВВАТ ОЛИБ...

— 2025 йил “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб номланган экан, барчамиз жойларда бу борада амалга оширилаётган ишларга масъулият билан ёндашишимиз лозим, — дейди Ўзбекистон Экологик партияси Навоий вилояти кенгаши мутахассиси Сардор Исломов. — Аввало, ҳар бир маҳалла ҳамда йирик меҳнат жамоаларида “Экология назоратчиси” штатини жорий қилиш керак. Бу ҳақда бир неча йиллардан бери гапирляпти. Аммо амалий ишга ўтиш нима учундир пайсалга солинмоқда.

Агар маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида мазкур штатлар жорий қилиниб, унга табиатшунос, ўсимликшунос ёхуд ҳайвонот олами бўйича мутахассислар бириктириб қўйилса, кўзланган мақсадларга эришиш осонроқ кечган бўлар эди.

Дарҳақиқат, атроф-муҳитни асраш билан биргаликда “яшил” иқ-



тисодиётга ўтиш масаласи дунё ҳамжамиятининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Электр энергиясига талаб ва эҳтиёжнинг тобора ортиб бориши натижасида муқобил ва ҳавони ифлослантirmайдиган энергия ишлаб чиқаришни кучайтириш давр тақозосига айланган.

(Давоми 6-саҳифада.)

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“ЖАДИДЛАР. ТУРКИСТОНГА МАКТУБЛАР” ТУРКУМИДАН

Қуйида эътиборларингизга бундан юз йил аввал Берлин шаҳридан Ўзбекистоннинг давлат раҳбари Акмал Икромов номига йўлланган икки мактубни ҳавола қилмоқдамиз. Биринчи хат Абдуваҳоб Исҳоқ томонидан ёзилган. Абдуваҳоб Исҳоқ ўғли 1904 йил 10 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Машҳур жадид муаллимлари Собиржон Раҳимийнинг “Раҳимия”, Эшонхўжа Хонийнинг “Хония” мактабларида ибтидоий, Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Намуна” мактабида рушдий (ўрта) таълим олган.

1917 йил дўсти Тоҳир Шокир билан Озарбайжоннинг Боку шаҳрига бориб, зирот билм юртида ўқиган. 1922 йил “Кўмак” уюшмаси ташаббуси билан олий маълумот олиш мақсадида Германияга йўл олган. Абдуваҳоб Исҳоқ қисқа муддатли тил урғаниш курсидан сўнг Германиянинг машҳур Ҳайделберг университети тиббиёт факультетида ўқишга кириди. У ерда олий таълим даргоҳини муваффа-

қиятли битириш билан бир вақтда докторлик диссертациясини ёклашга ҳам эришади. Уша кезлари Еуропа матбуотида Туркистонда советлар олиб бораётган ноҳақ зулм ҳақида, “Еш Туркистон” газетасида ватан тақдирига оид юзлаб мақолалар ёзди. Германияда фашизм ҳокимиятга келиши туфайли Туркияга кўчиб ўтган, Абдуваҳоб Уқтой (1904–1968) номи билан илмий ижодини ва меҳнат фаолиятини давом эттирди. У ўзи билан Германияда ўқишга йўл олган тошкентлик Саида Шераҳмедовага уylanган. Саида Шераҳмедова Акмал Икромовнинг отаси Икром домланинг мактабида, 1918 йилдан Вали хожи бойнинг ҳовлисида очилган биринчи ўзбек билм юртида Ойдин Собирова, Хосият Тиллахонова, Робия Носирова билан ўқиган. Уларга Мунаввар қори, Шокиржон Раҳимий, Саодатхоним Еникеева, Қримдан келган Муршидахоним Исмоилова, қозонлик Гаваҳархоним Алиева таълим берган.

(Давоми 7-саҳифада.)



БИР ҒАЗАЛ ШАРҲИ

МАЪНО ОЛАМИДАН ОЛИНГАН ҒАЗАЛ

“Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок...”



Нақлга кўра, ҳазрат Навоий “Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок” деб бошланадиган ўта машҳур ғазалнинг илк байтини бир тиланчидан бир қанча олтин баҳосига сотиб олади. Мажзуб гадо шоир эшигига келиб, бу байтни ўқиб, тиланчилик қилган экан. Бу ҳақда навоийшунос олим, шоир Мирзо Насриддин ўғли Боқий ва шоир Со-бир Абдулла ажиб сўзларни ёзганлар.

Бу нақл ғазалнинг фавкуллода ва ўхшаши йўқ асар эканига ишоради. Ўта баланд нархга сотиб олингани эса байтнинг ғоят қимматли, маъно оламидан топи- ланган нодир ҳазина эканига ишорат бўлади. Зеро, На- воий девонидан бундай беназир ғазаллар ва байтлар оз эмас.

**Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулган сабадин намнокрок.**

“Менинг кўксим тоннинг йиртилган кўйлагидан кўра ҳам чокрок, йиртиқрок. Кирпикларим эса устига шаб- нам тўкулган майсадан кўра ҳам намрок, хўлрок”.

Тасаввуфий маънога кўра, бу манзара шоирнинг маънавий ҳоли ва мартабасидан дарақдир. Тун бўйи тонгача ишқ, хушув, умид ва зорлиқ билан йиғлаб чиққанидан аломатдир. “Субҳнинг кўйлаги” ибораси Қуръони Каримдаги: “Кечани (сизлар учун) бир либос қилдик” деган оятга ишоради (Набаъ сураси, 10-оят).

Йиғи натижаси бўлган кўйлақнинг ҳўлиги эса Қуръондаги: “Шубҳасизки, қулдиргувчи ҳам, йиғлатгувчи ҳам У (Аллоҳ)дир” деган маънога ҳамда: “Сизлар (ғафлат ичра) қуларсизлар-у, (гуноҳкор ҳолингизга) йиғламассизлар” деган танбеҳга ишоради (“Нажм” сураси, 43, 60-оятлар). Яна бу йиғи сатри: “Агар сиз- лар мен билган нарсани билганларингизда эди, (бу дунёда) озроқ қулиб, кўпроқ йиғлар эдингизлар” деган ҳадисга ишоради.

Шоир айтмоқдаки, субҳнинг кўйлаги чок бўлиб, тонг оқариб, уфқ қизариб кўринганидек, менинг қизил қон бағрим ҳам тонг либосидан кўра чокрок бўлган кўксим- нинг чокидан кўринаётди. Тун бўйи майсалар устига тўкилган майин, маҳзун шабнамлар тонгга равшанроқ намоён бўлади. Шоир тонг орқали тунги унсиз йиғи ҳо- латини, ботиний кечинмаларини ошкор этмоқда.

**Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.**

“Менинг хотирим – кўнгул ғаминроқ бўлган сари сенинг тобора шодмонроқ бўлганини кўрмақдаман. Модомики, сен ўз ошиғинг ғамидан суюнар экансан, бас, сенинг янада шодланмоғинг учун ҳар нафас кўн- гул янада ғаминроқ бўлишини истайман!”

Бу байтда “кўкраги чокрок”, “кирпиги намнокрок” бў- лишининг сирини очилди ва “кўнгул ғамнокрок” бўлиши билан мазмун вобаста ривожланди.

Албатта, Навоийнинг ҳар бир мажозий ифодасида ҳақиқат бор. Дунёда кўп шоду хандон, қаҳқаҳаю дабда- ба билан яшашда Ҳақ таолонинг ризоси йўқ. Синиқкўн- гуллик, ғарибхўллик, ғамгинхотирлик бўлиб яшашда, Яратганнинг ваҳжи – зоти, дийдорини истаб, Узага ёлворувчан ва йиғловчан бўлишда Унинг ризоси бор. Айниқса, сахар чоғларида истиғфор айтиб, кўзёшлари билан йиғлашда ҳосият борлиги китобларда айтилган.

Улуғ валий Фузайл ибн Йез айтганлар: “Беш нарса бадбахтлик нишонидир: 1. Кўнгул қаттиқлиги. 2. Кўз

ёшланмаслиги. 3. Ҳаёсизлик. 4. Дунёга рағбат айла- моқ. 5. Тули омон – узун орзулар (дунё учун бўлса).

**Лайли андин кўйди Мажнун кўнгулида рахти ғамин,
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.**

“Лайли шунинг учун ғам юкини, қайғу омонатини Мажнуннинг кўнгулига кўйдики, бу ҳаёт водийсида, ишқ саҳросида, тириклик даштида ундан покрок бошқа жой йўқ эди”.

Рахт – йўл юки, сафар анжومي дегани. Бу ўринда ғам юки, қайғу сафархалтаси, ғусса омонати маъноси- да келмоқда. Инсоний-мажозий ишқ учунки ошиқ қалб- би шунчалик пок бўлиши шарт бўлса, бас, энди илоҳий ишқ учун банданинг қалби нақадар покиза бўлиши ке- рак!

Бир маъшуқаки, муҳаббат ғамининг юкхалтасини кў- йиш учун шунчалик покиза қалбни қидирса, бас, унда ҳар қандай нуқсон сифатларидан пок ва муназзаҳ бўл- ган илоҳий Зот ўз ишқини, зикрини ҳар қандай қалбга солиб қўйверадими! Зеро, “Рамузул-аҳодис” китобида: “Аллоҳ зикри Аллоҳ муҳаббатининг аломатидир”, де- ган ҳадиси шариф келтирилган. Пок нарса пок жойда бўлади.

**Ўйла мужгон ханжарига ёпишубдур дурри ашқ,
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.**

“Шунингдек, кўз ёшларининг дурри – инжу марва- ридлари кирпиклар ханжарига шундай ёпишиб олган- ки, магар ундан ҳам кўра бебокрок – кўркмасрок ва бе- вошроқ безорию чапани йўқдир”.

Саҳроларда безорилар карвонлардаги олтин-ку- муш, дурру гавҳар бойликларига қандай ёпишса, кирпиклар ханжари ҳам кўзёши дурларини қўлдан бергиси йўқ. Лайли, Мажнун, водий зикр қилингани учун бу байт ҳам мантиқан ҳаётнинг бир мисолга боғ- ланди.

Аслида бу мажоздан мурод маърифатуллоҳ нати- жаси бўлган йиғидир, тинимсиз кўзёши тўкиб йиғлаш манзарасини акс эттиришидир.

**Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ банданин чолокрок!**

“Сенинг лабларингдан ўз ўлик танасига жон олиш- да – ҳаёт топишда бутун халқ сенга қулдир, асирдир. Лекин жон беришга келганда мен ғариб бандангдан кўра ҳам чаққонроқ – тайёрроқ бирор қулунг йўқ. Зеро ҳаёт топиш ҳаммага ёқади, лекин жон фидо қилиш, жон бериш осон нарса эмас”.

“Лаб” мумтоз шеърятда кўп қўлланадиган тасав- вуфий истилоҳ бўлиб, мавжудотга вужудий файз ет- казувчи раҳмоний нафас дейилади. “Лаб”дан мурод калом – сўздир ва раҳмоний нафасга ҳам ишоради- ки, ашёллар вужудига файз бағишлайди. “Лаб” жонни қувватлантирувчи омилдирки, шариат тилида “нафхи рух” дейилади. Шунингдек, лаб ошиқларни файз ва хурсандчилик билан сийлаш, илоҳий оламдан нозил бўлган сўзлардир.

Лаб – пайғамбарларга Жаброил алайҳиссалом ор- қали Аллоҳдан нозил қилинган сўз, яъни илоҳий ка- лом; авлиёларга эса қалб тасфийси, яъни қалбни му- саффо қилиш натижасида илҳом қилинадиган сўздир (Фахруддин Ироқий).

Ва яна “лаби жонбахш”дан мурод борлиқ соясидаги

йўқликдир, деганлар. Яъни, нафаси раҳмонийга – ило- ҳий тажаллийларга ишоради.

Бу ўринда “Лабларингдин жон олурда” деган ифода- дан мурод Пайғамбар алайҳиссалом сўзига – ҳадисга шайдолик ҳолидир. Чунки Қуръонга кўра, ҳадис аслида ваҳийдир, ҳавоий нафс билан сўзланган сўз эмасдир. Яъни, ҳадисдан баҳраманд бўлиб, тириклик топишда бутун халқ Пайғамбар алайҳиссаломга асир, тутқун. Лекин у зотни фарзанди, ота-онаси ва ўз нафсидан ҳам ортик севиб, фидо бўлишда мендан чаққонроқ бир ку- линг йўқ, дейди Навоий. Бу ифода “Саҳиҳи Бухорий”- да ворид бўлган ушбу ҳадисга ишоради: Расуллуллоҳ (с.а.в.) айтганлар: “Токи мени отангиздан ҳам, болан- гиздан ҳам, барча одамлардан ҳам ортик яхши кўрмас экансизлар, бирортангиз мўъмин бўла олмайсизлар”.

**Одамлилик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.**

“Фано”нинг маъноси аҳлият эканини Навоий ушбу байтда равшан билдирган:

**Дединг: фано недурур? Мухтасар дейин: ўлмак,
Ки, шарҳини тиласанг, юз рисола бўлгусидур.**

Тақдир, ажал бутун одамят туфроғини йўқлик ша- молига совурса, яъни вафот эттирса, оҳки, унда вафо аҳлидан ҳам кўра хокрок, туфроқрок, яъни ўлимга тай- ёрроқ киши йўқдир. Ҳаётда ўзи туфроқ бўлиб, хоксор бўлиб, йўқлик шамолига шай турган тоифа аввало вафо аҳлидир.

Вафонинг турли ирфоний маънолари бор. Вафо ий- мон самарасидир.

Вафонинг биринчи тури банданинг ўз аҳди, ўз мийсоқиди туришидир. Одам болаларига ҳали жисм ато этилмай туриб, ҳазрати Одам алайҳиссалом сул- бидан уларнинг руҳи чиқарилди; Ҳақ таоло: “Аласту бираббикум?” – “Мен эмасманми сизларнинг Раб- бингиз?” – деб сўради. Одам болаларининг руҳлари: “Қолув: “Бала!” – “Ҳа, Сенсан бизнинг Раббимиз!” – деб жавоб бердилар (“Аъроф”, 172-оят маъноси). Ана шу воқеа “ал-мийсоқ куни” – сўз, аҳду паймон куни дейилади. Одам фарзандлари жисми билан яралиб, ерда яшаганидан кейин баъзилари ўз сўзи – мийсоқиди туриб, аҳли иймон – аҳли вафо бўлди, баъзилари инкор қилиб, имонсиз бўлди. Ҳақ таоло огоҳ этакиди: “Дарҳақиқат, Аллоҳга берган аҳди ва қасамларини озгина нарса (бўлмиш дунёвий бой- лик)га сотанлар борки, ана ўшаларга охирада ҳеч бир насиба йўқ. Аллоҳ қиёмат куни уларга сўзламас, уларнинг юзига боқмас ва уларни покламас. Улар учун ғоят аламли бир азоб бордир” (“Оли Имрон”, 77-оят).

Вафонинг иккинчи тури Одам фарзандларининг барча ҳаётнинг муомалаларида, ҳар қандай жараёнда ўз сўзлари, аҳду паймон ва шартномаларига риоя қилмоғи, садоқатли, оқибатли бўлмоғидир.



Вафонинг учинчи тури инсоннинг ўз муридиди коми- лига қилган байъати – аҳду паймонида туришидир.

Бу байъат барча саҳиҳ тариқатларда муриднинг пири қомилга интисоби ва аҳдга вафоси шаклида уз- луксиз давом этади.

Ғазалнинг мақтаби матлаби билан мантиқан боғла- нади – яна жароҳат, чок ифодаларига қайтилади:

**Неча уқлосанг, Навоий кўнгули захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокрок.**

“Эй дўстим, табибим, шифокорим!” Сен ҳар қанча тўкиб, тикиб боғлаганинг сари Навоийнинг кўнгули яна захминроқ – жароҳатлироқ бўлиб боради. Ҳолбуки, тиккан сари тобора очилиб, чокрок бўлиб борадиган жароҳатни ҳеч кўрмаган эдик!”

“Уқла” – банд, боғ, тўқима (тикси) дегани. Аруз вазида рамал баҳридаги шакллardan бирининг номи ҳам “уқла” дейилади. Рамал (рамал эса шеър- нинг ўн тўққиз баҳридан бири бўлиб, бўйра тўқишда- ги бир шаклга асосланган. Чунки “рамал” деб луғат- да бўйра (гилам, палос) тўқиши айтилади. Шунга кўра “уқламоқ” боғламоқ, тўқимоқ, тикмоқ деган маъ- нодадир. Мақтаб мантиғи ва мазмуни ҳам шуни ан- глатмоқда.

Ҳазрат Навоийнинг “Кўкрагимдур субҳнинг пироҳа- нидин чокрок” ғазали абадий ўлмас санъат намунаси- дир.

МУХАММАСЛАР

“ВАСЛИГА ЧУН ЙЎҚ НИҲОЯТ...”

Лабларим кундуз жазийра даштидин қақроқрок,
Нолишим шом қушларининг зикридин дарднокрок,
Кўзларим бемор тунидин субҳига муштокрок,
Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулган сабадин намнокрок.

Истарам, бўлсам хазон, то беҳазон кўрдум сени,
Дам-бадам дардим кўпайсун, то омон кўрдум сени,
Истарам, то ер бўлай, то осмон кўрдум сени,
Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдум сени,
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Бўлса кўнгул пок омонатлар учун тахти амин,
Ғам учун шундоқ мусаффо тутса ошиқ оламин,
Бас, илоҳий ишқ учун лозим нечоғ покрок замин,
Лайли андин кўйди Мажнун кўнгулида рахти ғамин,
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.

Мос эрурми гулга гулу дурга дуру ашқа ашқ? –
Безарар беҳавфу бекоб улфатинг топилса қошқ!
Гул тикандин этмас ор, хуснига соқчи бўлса рашқ,
Ўйла мужгон ханжарига ёпишубдур дурри ашқ,
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.

Севгидин эҳсон олурда бандилар мўлдур санга,
Балки, олмоқ қасди бирла ғайри эл элдуру санга,
Жон бериб, жон олмоқ аммо не гўзал феълдуру санга,
Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулунг йўқ банданин чолокрок!

Қилмағай ҳаргиз назар ул кун ҳаво элига чарх,
Бас, фанони этди йўл аввал бақо аҳлига чарх,
Хок этиб сочгил мени аҳли вафо йўлига, чарх,
Одамлилик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча беркитсанг, кўнгул ганжи яна кўпроқ бўлур,
Очилиб, оламга зулм ўтган сари, порлоқ бўлур,
Тикса маъно оғзини, Мирзо, бу иш қандоқ бўлур? –
Неча уқлосанг, Навоий кўнгули захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокрок.

Аслимиз туфроғ эрур, тўздурма кўп,
Ҳасратим чангин яна ошурма кўп,
Еру кўкни чанг ила тўлдурма кўп,
Жавр ўқин хоки танимга урма кўп,
Кўкка бу туфроғни совурма кўп.

Шарбати васлига борму қонмагим?
Бир олов сиррин етар ўрганмагим,
Бас, на ҳолат икки ўтда ёнмагим:
Ишқдин басдур манга ўртанмагим,
Ҳажр барки бирла ҳам кўйдурма кўп.

Қошларин бил, эй дил, меҳроби назар,
Кўзларин де, эй тил, офтоби назар,
Гарчи кўп оламда асҳоби назар,
Юзига, эй кўз, чу йўқ тоби назар,
Бас, анинг сори боқиб телмурма кўп.

Юзларингдин ваҳжи пинҳон истадим,
Кўзларингдин сирри осмон истадим,
Қатра сувдин шавқи уммон истадим,
Нўши лаълингдин агар жон истадим,
Бу гуноҳ учун мени ўлтурма кўп.

Гарчи севиғи ҳосили озор эмиш,
Ҳар киши муҳтожи ишқу зор эмиш,
Одаму Ҳаввога бул ҳис ёр эмиш,
Доимо расми муҳаббат бор эмиш,
Бизни ушбу журм учун ёзгурма кўп!

Кўрмадим устози санга, жуз фиороқ,
Топмадим мулки қаноат, жуз фиороқ,
Ўртада йўқдур масофат, жуз фиороқ,
Васлига чун йўқ ниҳоят, жуз фиороқ,
Бас, вафо аҳлин қошингдин сурма кўп.

Дилдаги ҳар ёғду – Холиқ амридин,
Ҳам йиғи, ҳам қулгу – Холиқ амридин,
Олганин ҳар улгу – Холиқ амридин,
Ҳеч иш ўлмаас айру Холиқ амридин,
Илтижо махлуққа келтурма кўп!

Эй ғариб, нафсим, чекил, қилгил сукут,
Ҳар тилак бўлса, юзинг Раббингга тут,
Ҳар тиланчи бир тилаб, ўтгай-ку зуд,
Эй гадо, чун “Шайалиллоҳ!” дединг, ўт,
Айлабон ибром, боқиб турма кўп!

Бас, бани Одам баробар, муҳтарам,
Рухни Ҳақдин ўзгага этма қарам,
Боқ, азизлар не демиш, шўрлук танам:
“Тут гадолиғни, Навоий, муғтанам,
Шоҳлар оллинда бош индурма кўп!..”

Мирзо КЕНЖАБЕК,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси,
Бобур номидаги халқаро мукофот соҳиби



“...Алишер Навоийдек зотлар қирққа яқин асарлари билан она тилимизнинг бош- қа тиллардан анча бойлигини, шеърда берилган мазмунини, мусикадаги лаъфатини “Мезонул авзон” ва “Муҳокаматул луғатайн”лари билан билдурган эрдилар.
Ашурал ЗОХИРИЙ

3D форматда кўриш учун QR кодни сканер қилинг.



ТАЛҚИН

“ТАН РАНЖИГА ШИФО” ШОИР



Бутун олам ва ундаги жараёнларга муносабат билдириш учун кишининг зеҳни ўткир, куввайи ҳофизаси кенг ва илму закоси баланд бўлиши керак. Билимдаги саёзлик фикрий чалқашликларни келтириб чиқаради. Фикр аниқ бўлмаган жойда эса ўз-ўзидан хатолар яралади. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг илм талаби бобида онгу шууримизга сингишиб кетган қуйма мисралари бор:

мисли жаллодек бўлишини таъкидлайди: “Табиб агар касбиде мохир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва кўполсўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам, барибир, унинг миждода ўзгариш пайдо қила олмайди. Табобат фанидан саводсиз табиб худди жаллоднинг шогирди кабирди. У тиг билан ўлдирса, бу заҳар билан азоблайди”.

Шоир ўзининг “Маҷолис ун-нафоис” таъкирасида айрим ижодкорларнинг тиббиёт билан машғул бўлгани тўғрисида ҳам маълумотлар беради. Жумладан, Мавлоно Дарвеш Али, Мавлоно Баҳул, Сўфий Пири Сесадола, Мавлоно Ғиёсиддин каби ижодкорлар бир вақтнинг ўзиде тиббиёт билимдони ҳам бўлганлар. “Мавлоно Дарвеш Али – табобатка машғулдур ва бу фаннинг ҳозик ва мохирлари анинг таъбин таъриф қиладурлар... Таъби ҳам яхшидур. Аммо муаммога кўрак машғулдур”. Сўфий Пири Сесадолани “сўфийликка табобатни зам қилибтур”, деб таърифлайди. Шу билан бирга, бошқа шоирлар ҳақида ҳам “табибшева”, “табобат била машғул ва шуҳрати табобатка ўзга ишлардин кўрак эмиш” каби фикрларни айтади.

Навоий комил инсон, ҳалқ фидойиси ва инсонпарварлик тимсолидир. У адабиёт, илм-фан, ҳалқ маънавияти равнақиға бекиёс ҳисса қўшди. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, шоир табибларга, табобат ва тиббиёт масканларига ҳам асло бефарқ бўлмаган. Алишер Навоий томонидан Ҳиротда “Доруш-шифо” (Шифо уйи) қурилади. Бу масканга замо-

насининг энг билимли табиблари жамланади. “Доруш-шифо”ни Навоий даврининг улкан сихаттоҳи сифатида тасаввур этиш мумкин. Навоий у ердаги беморларга моддий-маънавий ёрдам беради. У чин маънода тиббиёт ҳомийси эди. Ҳўш, шоир нега тиббиётга бу даражада эътибор берди? Чунки ул зоти шариф ҳалқ ҳолини, соғлиқ – бебаҳо неъмат эканини чуқур англаган эди. Қолаверса, Навоий умумижодида тиббиётга, инсоннинг ҳам руҳи, ҳам жисмига доир тушунчалар кўллаб учрайди.

Ҳозик табиби хушгўй тан ранжига шифодур, Омийю тунду бадхўй эл жонига балодир.

Ушбу байтда табиб қанчалик хушмуомала бўлса, беморга шифо бўлиши, бадфеъл табиб эса эл жонига балою офат экани таъкидланади. Шоир табиб зотиға хос юксак маданий муомала ҳақида фикр юритиб, бемор соғайишига ширин сўз энг яхши доридир, дейди.

Ким бўлса табиати муолиж, Жисмидин этар маразни хориж.

Дарҳақиқат, кишининг табиати ўз-ўзини даволайдиган, кучли мизожға эға. Яъни, инсон тийнати муолиж – даволовчи бўлса, касаллик жисмдин чиқиб кетади; тана куввати билан бирға бемор касалликдан тузалишини ўзи ҳам исташи бу бундай эзгу тушунчани ўз табиатига синдириши лозимки, бу ҳам даволашнинг бир туридир.

Алишер Навоий – сўз қадрини билган, унинг қудратини намойиш этган буюк аллома. У инсон жисмининг руҳи билан туташгани ва шу туфайли жисм саломатлиги учун руҳ ҳам сабабчи эканини чуқур англагани ҳолда, ўзгаларга ҳам англантиш пайдида бўлади:

Жонға чун дермен: “Не эрди улмаком кайфияти?” Дерки: “Боси бўлди жисм ичра маразнинг шиддати”.

Савол-жавоб шаклида ёзилган ушбу ғазал шарҳига юзларан экан, таниқли навоийшунос олим Нажмиддин Комилов “Ишқининг инсон аъзолари, кўнгли, бутун вужудини қамраб олгани”га ургу беради. Ғазалда, табиийки, шоирнинг тиббиёт ҳадисини олганлиги яна бир бор ўз аксини топган. Зотан, инсон руҳиятининг бекиёс билимдони Алишер Навоий орузу қилган комил инсон ҳам маънан, ҳам жисмонан етук бўлиши кераклиги ҳикмати ана шунда.

Соҳиба КАРИМОВА

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Хаялга нималар келмайди. “Мен шоирман” ёки “фалончиман” дея дилига нима келса, шеърға солиб ёки саҳифалаб элга дастурхон қилавериш – нодонлик белгиси. Ёш шоирлар шеърларида кўзга ташланиб турадики, уларда худо ҳақидаги тушунча исломий эмас, қайсидир манбалардан олинган қийшиқ, қоришиқ, қуюшқондан ташқари тушунча.



“ОҒЗИГА КЕЛГАННИ ДЕМОҚ – НОДОННИНГ ИШИ”

Масалан, насронийларға хос: “Худо – чормик қилинган 33 ёшли одам” ёки “оппоқ соқолли чот”. (Микеланжелонинг картинасидагидай). Барака топгурлар, исломда Худо – бу оламларнинг Рабби. Оламларнинг! Ер, қуёш системаси, галактика, биз биладиган моддий олам – миллиард-миллиард галактикалари билан улардан биттаси. Худонинг “куриси” эса еру осмонлардан кенг. Ҳозирги одам Ердан кенг нарсани тасаввур қилади, албатта. Аммо осмонлардан кенги тасаввур қила оладими? Йўқ, тасаввур қилолмайди. Мен ҳам қилолмайман. Ахир, осмон ҳамма галактикаларни ўз ичига олган олам бўлса, ундан кенгрок нарсани тасаввур қилиб бўладими? Ҳолбуки, битта оламдан эмас, оламларнинг барчасидан кенгрок дейилмоқда. “Холақас-самовоти вал-арзи” – осмонларнинг яратувчиси, битта бизнинг осмонимизни эмас, сон-саноксиз оламларнинг осмонларини ҳам. Биз ўз оламимизни аранг тасаввур қиламиз, бошқа оламларни мутлақо тасаввур қила олмаймиз-у, улардан кенгрок нарсани тасаввур қилиш ақлдан озганнинг иши бўлади. Биз учун Худо – Аллоҳ, тасаввуримизга сиймайди. Сиз худони бошлигинизми ёки хаёлингизга келган бошқа мавжудот сифатида тасаввур қилсангиз, нафақат хато қиласиз, гуноҳ қиласиз, ширк келтирасиз, балки бу масалада фирт саводсизлигинизни ёки бефаросатлигинизни ошкор этган бўласиз. Насроний шоирлардан ибрат олманг. Навоийдан ибрат олинг.

Юз бу оламча мавжуд этай десанг, “Кун фаяқун” иборати анга қофий, Ва минг ончани маъдум (йўқ) этай десанг, “Хабобан мансуро” ишорати анга вофий.

Бемонандлигинга “Лайса камислиқи шайхун”(Сенға ўхшаш ҳеч нарса йўқ) гувоҳи содиқ, Бебайвандлигинга “Лам ялид ва лам юлад” далили мувофиқ.

Ҳар неғажим ташбиҳ қилинса, ўхшамассен, Яхши боқилса, ул Сендин турур ва Сен ул эмассен.

Ҳамдинеда тақаллум аҳли тили қосир, Сипосинеда мутақаллимлар – ажздин (ожизликдан) мутахаййир. (Навоийнинг “Муножот” итдан).

Ўзбек шоириман дейдиган, албатта, бу асарни ўқиб чиқмоғи керак. Унда бошқа гаплар ҳам қўп. Бу фақирнинг фикрича, ундаги мана бу бир банд минг жилд китобдан салмоқлироқ:

Илоҳи (илоҳим), кўнгалумни ниёзу дард аҳлиға мойил тут, Ва ниёзим кўзун даромандлар аёғи туфроғи ила ёрут.

Аллоҳ тооло ўзбек шуаросининг устоди бўлмиш Алишер Навоийнинг гўрини нурға тўлдирсин. Ва у нурдан сўқир шоирлар кўзини очсин. Аллоҳу ақбар.

Абдулла АЪЗАМ, Фейсбук

ТИЛБИЛИМ



“ҚУРБ” ҚАЙГАЧА ЕТАДИ?

Бирор нарсага куч ва имконият ё маблағ етиши ҳақида гап кетганда “Қурбинг етадимми?” деймиз. Ҳўш, қурб сўзи асли қандай маъноға эға?

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”да арабча қурб сўзига “яқинлик, қариндошлик” маъносини англатади, деб изоҳ берилган. Ҳолбуки, бу сўзнинг маъноси бизнинг ҳозирги тилимизда бутунлай ўзгариб кетган. Ҳатто, “Қурби қанчаға етади?” деган гапни “Пули қанча?” деб тушунамиз. Хуллас, қариндошлик ўрнини пул ва бойлик тортиб олган.

“Навоий асарлари луғати”да қурб сўзининг қариндошлик маъносини англантиши ҳақида ҳеч нарса дейилмайди ва қурб – яқинлик, яқин бўлиш, қурбат – яқинлик, етишиш, деб изоҳланади. Яқин қариндошлик Навоийда қаробат сўзи билан ифодаланди.

“Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да қурб сўзи яқинлик, яқин

бўлиш маъноси билан бирға қобилият ва лойиқлик маъносида ҳам изоҳланади. Лекин, барибир, илк маъно “яқинлик” бўлиб қолаверади. Навоийда қурб сўзи Худого яқинлик маъносиде келади. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат”да Абулхусайн Ибнлуқинд ал-Форсий таърифиде шундай гаплар бор: “Ҳар кишини Ҳақ тооло ўз қурби бисотида ўлтуртқай, ҳар не анга етса, ани рози ва хушнуд қилгай, нечунки, қурб бисотида норизолик ва нохушнудлик бўлмагай”. Бу ерда қурб сўзи Аллоҳға яқинлик маъносини ифодалаб келаётгани яққол кўриниб турибди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда пул ва мол-дунёға яқинлик маъносини ифодалашға мажбур бўлиб қолган “Қурби етадимми?”, “Қурби қандай?” деган гаплар бир замонлар тилимизда “Худого яқинлиги қандай, имон-эътиқодда даражаси қандай?” деган маънони англатган бўлса, ажаб.

Эшқобил ШУКУР

ЖАҲОН АЙВониДА

ТРАМП ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИ ТУГАТМОҚЧИ

Дональд Трамп маъмурияти АҚШ Таълим вазирлигини тугатиш ва бир қанча федерал агентликларни қайта ташкил этиш режасини ишлаб чиқмоқда. The Wall Street Journal наشري хабарига кўра, бу Трамп ва Илон Маск томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг бир қисми.

Шунингдек, янги маъмурият АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги – USAIDни бюджет маблағларини исроф қилишда айблаб, унинг самардорлигини қайта кўриб чиқишға қарор қилган.



ИСРОИЛНИНГ ҚАРОРИ

Исроил ҳам АҚШнинг изидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидан чиқшини эълон қилди. Бу ҳақда мамлакат ТИВ раҳбари Гидеон Саар ўзининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифасига ёзиб қолдирди.



Саарнинг ёзишича, Исроил АҚШ президенти Дональд Трампнинг БТМ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ишида иштирок этмаслиги қарорини олқишлайди.

ОММАВИЙ ДЕПОРТАЦИЯ МУҲОКАМАДА

Европа Иттифоқи БМТнинг қочқинлар мақоми ҳақидаги конвенциясини қайта кўриб чиқшини муҳокама қилмоқда, деб хабар беради The Times. 1951 йилда қабул қилинган бу ҳужжат қочқинларни хавфли ҳудудларға қайтаришни тақиқлайди, аммо Европа давлатлари миграция оқими сабаб уни қайта кўриб чиқишға мажбур.

2024 йилда ЕИ давлатлариға 1 млн дан ортиқ қочқин ариза топширган, бу эса миллатчи ва популистик партиялар позициясини кучайтирди. Польша ҳукума-

ти тайёрлаган дипломатик ҳужжатда Европа давлатлари депортация имкониятлари чекланганидан норози экани айтади.

Ҳужжатда, шунингдек, Европа давлатлари қочқинларни қабул қилиш имкониятлари тобора чекланиб бораётгани ва айрим муҳожирлар жамятга интеграциялашни истамаслиги таъкидланган.

ТУРКИЯ ЎСМИРЛАРГА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИ ТАҚИҚЛАМОҚЧИ

Туркия 2025 йилда 16 ёшдан кичик болалар учун ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни чеклаш режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат транспорт ва инфратузилма вазири Абдулқодир Уралоглу маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, болалар энг нозик қатлам ва уларни химоя қилиш керак. “Ёшлар учун ижтимоий тармоқларда фойдали нарса йўқ. Биз бу борада тартибга солувчи чоралар кўришни режалаштирямиз”, деди вазир CNN Türk телеканалига.

Туркия бу борада халқаро тажрибани ўрганмоқда. Австралия 2023 йилда 16 ёшга бўлган болаларға ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни тақиқлаган. Норвегия эса бу чегарани 15 ёшға туширишни режалаштирмоқда.



ТРАНСГЕНДЕР СПОРТЧИЛАРГА ТАҚИҚ

Оқ уй веб-сайтида эълон қилинган Трамп фармониға кўра, трансгендер шахсларнинг аёллар ва қизлар спорт жамоаларида қатнашиши ман этилади. Бунга йўл қўйган таълим муассасалари федерал молиялаштиришдан маҳрум қилинади.

Қарор асосан мактаб, университет ва ҳаваскорлар мусобақаларига тааллуқли ҳисобланади. CNN наشريнинг хабар беришича, Трамп маъмурияти АҚШ Олимпия кўмитаси ва Миллий талабалар спорти уюшмаси бундан буён трансгендер шахсларнинг аёллар билан мусобақалашини йўл қўймаслигиға умид билдирмоқда.

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир: Иқбол Мирзо

Маъсул котиб: Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир: Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар: Эркин Ёдгоров Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 8 612
Латин ёзувидаги адади – 12 616
Медиа кузатувчилар – 19 860

Буюртма: Г – 139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар: Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgazetasi@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишға топшириш вақти: 21:00
Босишға топширилди: 20:00
Сотувда нархи эркин.

